

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSC.03/30.01.2020.I.10.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

ИМОМОВ РУСТАМБЕК ДАВРОНБЕКОВИЧ

**ЛИМОН ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04– “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Имомов Рустамбек Давронбекович Лимон етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.....	5
Имомов Рустамбек Давронбекович Пути повышения экономической эффективности выращивания лимона.....	27
Imomov Rustambek Davronbekovich Ways to increase the economic efficiency of lemon cultivation	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.01.2020.I.10.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

ИМОМОВ РУСТАМБЕК ДАВРОНБЕКОВИЧ

**ЛИМОН ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04– “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt656 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматқулов Абдирашид Воҳидович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султанов Баходир Файзуллаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Дусмуратов Ражапбой Давлетбаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиали

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2023 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг ўсиб бориши ва ушбу тенденциясининг сақланиб қолиши табиийки шунга мос равишда ҳаётининг муҳим бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, миллий маҳсулотлар бозорларини барқарор фаолият юритишини таъминлаш, энг аввало, жаҳон бозорида харидоргир бўлган, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Шунинг билан бир қаторда, аҳолини витаминга бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам муҳим вазифалардан саналади. Цитрус мевалилар, хусусан лимон маҳсулотлари ушбу маҳсулотлар сирасига киргани ҳолда инсонларнинг иммун тизимини барқарор сақлаш мақсадида истеъмолдаги асосий маҳсулотлардан бири саналади. Зеро, жаҳон лимон бозорида охириги ярим аср давомида лимон маҳсулотига бўлган талабнинг кескин ошиши COVID-19 даврига тўғри келган. Шу сабабли ҳам дунёда замонавий технологиялар асосида лимончиликни барқарор ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Глобал иқлимнинг ўзгариши, табиий ҳамда антропоген омиллар таъсирида шаклланган экологик инқирозлар шароитида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги, хусусан аҳолини сифатли ҳамда витаминга бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасининг устуворлиги жаҳон қишлоқ хўжалигида ноанъанавий ишлаб чиқариш, хусусан ҳимояланган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу боис, дунёнинг йирик илмий муассаса ҳамда тадқиқот марказларида инновацион технологияларга асосланган, хусусан ҳимояланган майдонларда лимонзорлар ташкил этиш, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш, янги, серҳосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош лимон навларини яратиш, лимонзорларда зараркунанда ҳамда касалликларга қарши курашиш, экологик маҳсулотлар етиштириш ҳамда ишлаб чиқиш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда лимончилик тармоғининг сердаромадлилиги, аҳолини лимон маҳсулоти ҳамда унинг экспортига бўлган талабини ортиб бораётганлиги боисдан республикамиз ҳукумати томонидан ушбу тармоқни жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу ислохотлар натижасида замонавий лимонзорлар барпо этилмоқда, хусусан лимон етиштириладиган иссиқхона майдонлари мунтазам равишда кенгайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Аммо "... инновацион технологиялар асосида янги, серҳосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган лимон навларини яратишга етарли эътибор берилмаётганлиги, сифатли ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланмаганлиги оқибатида соҳадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани¹". Шу нуқтаи назардан лимончилик тармоғини ривожлантириш кўламини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 19.02.2020 йилдаги ПҚ-4610-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4741430>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2020 йил 19 февралдаги ПҚ-4610-сон “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3586-сон “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги 119-сон “Дехқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбоп дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий ва амалий масалалари хорижий ҳамда республикамиз олимлари томонидан қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Е.А.Егоров, И.М.Куликов, А.В.Глотко, И.П.Шаляпина² каби хорижий, Н.С.Хушматов, О.Т.Жумаев, О.Дилмуродов, М.У.Ачилов³ каби, шунингдек, мустақилликнинг кейинги йилларида ҳимояланган ерлар, иссиқхоналарда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича С.Искандаров, А.Дурманов⁴ларнинг тадқиқот натижалари эътиборга молик саналади.

² Егоров Е.А. Организация воспроизводства в промышленном плодоводстве. Краснодар, 2009. 267 с. <https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskie-osnovy-ekonomiki-i-organizatsii-vosproizvodstvennyh-protssovov-v-plodovodstve>; Куликов И.М. Научная и инновационно-инвестиционная стратегия развития плодово-ягодного комплекса АПК, как важнейший резерв в формировании здорового организма человека в XXI веке// Сб.статей. М. 2006. – 157 с.; Глотко А.В. Повышение экономической эффективности регионального садоводства: монография. – Барнаул: Изд-во Алт.ун-та, 2006. – 295 с.; Шаляпина И.П. Организационно-экономические аспекты системы ведения садоводства в условиях развития интеграционных процессов: монография// Мичуринского государственного аграрного университета, 2008. – 238 с.

³ Хушматов Н.С., Рустамова И.Б. Кишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни йўлга қўйишнинг асосий йўналишлари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2019 yil 185-бет.; О.Т.Жумаев Кўп укладли иқтисодий шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари: дисс. ... и.ф.н., Т.: 2004. – 135 б.; М.У.Ачилов. Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш: авт. ... дисс. и.ф.н.. – Т.: 2022.; Дилмуродов О.Г. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида маҳсулот сотишнинг логистик занжирини такомиллаштириш: дисс. ... и.ф.н.. – Т.: 2010. – 152 б.

⁴ С.Т.Искандаров. Ҳимояланган ер сабзавотчилигини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш. авт. ... дисс. и.ф.н. – Т. 2018 – 52 б.; А.Ш.Дурманов. Иссиқхоналар фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. авт. ... дисс. и.ф.н. 2022.

Шунингдек, лимон етиштириш технологияларининг илмий-амалий жиҳатлари қишлоқ хўжалиги олимларидан Р.М.Абдуллаев, Б.Х.Гулямов, С.Я.Исламов, Ю.Б.Саимназаров, И.Т.Нормуратов, Ж.Б.Агзамходжаев, Н.Л.Джалилов⁵ ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Аммо, лимончилик тармоғининг самарадорлигини ошириш ва бугунги кунда фаолият олиб бораётган турли хўжалик юритиш субъектларида интенсив технологиялар асосида лимон етиштиришнинг иқтисодий жиҳатлари билан боғлиқ илмий-амалий асослари ўрганилмаган. Шу сабабли, Ўзбекистонда лимончиликни ривожлантириш ва тармоқ самарадорлигини ошириш имкониятлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти диссертация мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг мақсади. Ўзбекистонда лимончиликни ривожлантириш ва тармоқ самарадорлигини ошириш имкониятлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

лимончилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида унга таъсир этувчи омилларни таснифлаш;

маҳсулот етиштириш самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни таҳлил этиш ва лимончилик тармоғи самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий асосларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

лимончилик тармоғини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

лимончилик тармоғини ривожланиши ва маҳсулот етиштиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, интенсив технологиялардан фойдаланиш даражаси таҳлиллари асосида тавсиялар тайёрлаш ва хулосалар ишлаб чиқиш;

лимончилик тармоғини ривожлантиришнинг давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

инновацион технологияларни жорий этиш асосида тармоқ самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Андижон вилоятида лимончиликни ривожлантириш доирасида 2022–2030 йилларга мўлжалланган прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот объекти сифатида республикада лимончилик билан шуғулланувчи турли хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Андижон вилояти туманларида лимон етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларида амалга оширилган.

Тадқиқот предметини Ўзбекистонда лимончилик тармоғи фаолиятида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

⁵ Б.Х.Гулямов, С.Я.Исламов, И.Т.Нормуратов. Цитрус экинларини етиштириш технологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2011 йил. 117 бет.; Саимназаров Ю.Б., Агзамходжаев Ж.Б., Абдуллаев Р.М., Джалилов Н.Л. Лимонни етиштириш технологияси бўйича тавсиянома. Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, 2020 йил.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик, таққослама таҳлил, мантиқий ва абстракт фикрлаш, монографик кузатиш ва эконометрика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Лимончиликда ўзаро интеграция ва кооперация муносабатларини ривожлантиришга қаратилган “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда уларни молиялаштириш манбалари асосланган;

ҳимояланган майдонларда лимон етиштиришда табиий-техноген офатлар талаб даражасида ҳамда газ етказиб берилмаганлиги оқибатида йўқотилган ҳосил қийматининг бир қисмини қоплаб бериш асосида табақали суғурталаш тизимини жорий этиш механизми ишлаб чиқилган;

лимончиликда инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий дастакларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

лимончилик тармоғи ривожига ажратилаётган молиявий маблағлар (имтиёзли кредитлар) даражасида маҳсулот экспорти ва аҳоли бандлиги даражасининг 2026-йилгача прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лимончиликда кооперация муносабатларини шакллантириш орқали маҳсулотни истеъмолчига етиб боришидаги (маҳсулот ҳаракати) оралиқ бўғинларни қисқартириш ҳамда моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

лимон етиштиришда қўлланилаётган турли типдаги иссиқхоналар фаолияти самарадорлиги таҳлиллари асосида Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитига мос, энергия тежамкор ва иқтисодий жиҳатдан энг мақбул турдаги интенсив технологияли иссиқхоналардан фойдаланиш бўйича амалий таклифлар тайёрланган;

лимончиликда катта тажрибага эга бўлган илғор хорижий давлатлар тажрибасидан мамлакатимизда тармоқни янада ривожлантиришда фойдаланишнинг асосий йўналишлари белгиланиб, амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

иссиқхоналарда лимон дарахтлари ҳосилга киргунгача бўлган даврда қўшимча экинлар ҳисобига даромад олиш орқали инвестицион харажатларни қопланиш муддатларини қисқартириш, маҳсулот тайёрлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклифлар лимончилик иқтисодиёти бўйича илк амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлардан бири бўлиб, тармоқни эркин бозор муносабатлари қонуниятлари асосида барқарор ривожлантириш ва самара-

дорлигини ошириш борасидаги билимлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий жиҳатдан маҳаллий ҳоқимликлар ва бошқа органларнинг ҳудудларда лимон етиштирувчи хўжалик субъектларини кўллаб-қувватлаш, инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишларидаги Давлат дастурлари ва тегишли қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” ва “Микроиқтисодиёт” фанларини ўқитишда ҳамда улар ўқув дастурларини такомиллаштириш, кейс-стадилар тайёрлашда фойдаланиш билан изоҳланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Лимончиликни ривожлантириш ва тармоқ самарадорлигини ошириш имкониятларини баҳолаш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

Лимон етиштириш ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида ўзаро интеграция ва кооперация алоқаларини ривожлантириш мақсадида “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 05/032-3930-сон маълумотномаси). Натижада, маҳсулот экспортини кўпайтириш, тармоқ иқтисодий самарадорлигини 15-20 фоизга ошириш асосланган;

лимончилик тармоғи самарадорлигини оширишга қаратилган “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 05/032-3930-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолини лимон маҳсулоти билан меъёр даражасида таъминлаш, экспортини кўпайтириш, лимончилик тармоғини иқтисодий самарадорлигини 15-20 фоизга ошириш асосланган;

лимончилик субъектларини рағбатлантиришда имтиёзли кредит, лизинг, суғурталаш каби молиявий кўллаб-қувватлашнинг турли манбаларини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 05/032-3930-сон маълумотномаси). Натижада, Андижон вилоятининг Андижон, Асака, Балиқчи ва Олтинкўл туманларида фаолият юритаётган лимон етиштирувчи аҳоли томорқаларида лимон дарахтлари қатор орасида дастлабки 2 йил давомида кўшимча экин сифатида саримсоқ пиёз етиштириш орқали сарфланган инвестицион харажатларни 1-йилда 54,5 фоизга, 2-йилда 61,4 фоизга, 3-йилда 175 фоизга, 4-йилда 330 фоиз қоплаш имкониятлари иқтисодий асосланган;

лимончилик тармоғи ривожига ажратилаётган молиявий маблағлар (имтиёзли кредитлар) даражасида маҳсулот экспорти ва аҳоли бандлиги даражасининг 2026-йилгача прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 05/032-3930-сон маълумотномаси).

Натижада, 2030 йилга бориб экспортга йўналтириладиган лимон ҳажмини 1,8 марта ошириш ҳамда аҳолини лимонга бўлган талабини ҳозирги 28,1 фоиздан қарийб 93,3 фоизга етказиш имкони яратиш истиқболи асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та хорижий ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда жами 5 илмий иш, шундан 4 та таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 139 бетда ифода этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Лимончиликни ривожлантириш ва тармоқ самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида лимончилик тармоғинининг хос хусусиятлари, тармоқ самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва самарадорлигини баҳолашнинг услубий жиҳатлари ҳамда хорижий тажрибалар ва улардан мамлакатимиз иқтисодиётида фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Маълумки, аҳолини ҳаётий муҳим бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, миллий маҳсулотлар бозорларини барқарор фаолият юритишни таъминлаш, энг аввало, жаҳон бозорида харидоргир ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишни тақозо этади. Шунингдек, мамлакат аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда иссиқхоналарда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, аҳолининг витаминга бой бўлган цитрус ва лимон маҳсулотлари муҳим ўрин тутди. Зеро, аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, кишиларнинг тўлақонли фаолият юритишида витаминлар ва минералларнинг ўрни бекиёс.


Лимончилик тармоғини қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу хусусиятларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ишлаб чиқаришни уларга мос равишда ташкил этиш ва улардан келиб чиққан ҳолда тармоқ фаолиятини белгилаш кўзланган натижаларга эришиш учун замин яратади.

Умуман олганда лимончиликни ривожлантиришда тармоқнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлар билан ҳам ажралиб туради:

- лимонни Ўзбекистон табиий-иқлим шароитида турли типдаги махсус ҳимояланган майдонларда етиштирилиши ва совуққа чидамсиз хусусиятига эгаллиги;
- лимончилик тармоғида дарахтларни бутоклаш ва ҳосилни йиғиштириб олиш асосан қўл меҳнاتини талаб қилиши;
- лимон етиштиришда ҳосил олиш бир йилда бир мартаба бўлиб, мавсумий характерга эга эканлиги;
- лимончиликда маҳсулотнинг тез бузулувчанлиги.

Шунингдек, мамлакатимизда лимончилик тармоғини барқарор ривожланишига бир қатор омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Бу омилларни ташкилий-иқтисодий, ижтимоий, табиий-иқлим, техник-технологик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий омилларга ажратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Умуман олганда, мамлакатимизда лимончилик тармоғини ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз.



1-расм. Лимончилик тармоғини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ⁶

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тармоқ самарадорлигини баҳолашда бизнингча, лимончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим:

⁶ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

- ялпи ҳосил;
- 100 м²дан олинган лимон ҳосили миқдори;
- 1 туп лимон дарахтидан олинган ҳосил миқдори;
- сарфланган меҳнат харажатлари ҳисобига етиштирилган маҳсулот бирлиги;
- харажатлар таркиби ва турлари бўйича (кўчатлар сони, бутқоқлаш (шакл бериш) ва ҳоказолар);
- етиштирилган маҳсулот бирлигининг умумий таннархи;
- маҳсулот бирлигини ўртача сотиш баҳоси;
- 1 кг ёки 1 центнер етиштирилган лимон ҳисобига миқдор ва қиймат ифодасидаги минерал ва маҳаллий ўғит, кимёвий препаратлар ва суғориш харажатлари миқдори;
- 100 м² ҳисобига миқдор ва қиймат ифодасидаги минерал ва маҳаллий ўғит, кимёвий препаратлар ва суғориш харажатлари миқдори;
- ялпи даромад;
- 1 кг ёки 1 центнер маҳсулот турлари ҳисобига олинган фойда;
- рентабеллик даражаси.

Лимон етиштиришга тааллуқли бўлган харажатлар таркиби қуйидагилардан иборат: кўчат материаллари иссиқхоналарни (ҳимояланган майдон) қуриш ва таъмирлаш; ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари; минерал ва маҳаллий ўғитлар; транспорт харажатлари; сув билан таъминлаш харажатлари; иш ҳақи ва ижтимоий ажратмаларга тўловлар; бошқа эҳтиёжларга сарфланадиган харажатлар.

Шунингдек, лимон етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг асосий индикаторлари сифатида:

- 100 м²дан лимон олишга сарфланган меҳнат ва моддий воситалар харажатлари;
- 100 м² ҳисобига олинадиган лимон миқдори ва қиймати;
- 1 кг ёки 1 центнер лимон ҳисобига олинган фойда миқдори;
- 1 ишчи ходим ҳисобига олинган лимон миқдори ва қиймати каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Албатта, цитрус ўсимликлари, хусусан, лимончилик тармоғини ривожлантириш бўйича дунёда етарли тажрибалар тўпланган бўлиб, ушбу тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тажрибаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва ундан республикамиз шарт-шароитига мос бўлган жиҳатларидан фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, лимончиликни ривожлантириш бўйича хорижий давлатларда қўлланилаётган қуйидаги ташкилий-иқтисодий механизмларни, жумладан: фермер хўжаликларига кредит олиш имкониятларини ошириш учун кредит фоиз ставкасини давлат томонидан қоплаб бериш ҳисобига банклар томонидан 5 фоизгача ставкада имтиёзли кредитлар бериш амалиётини жорий этиш (АҚШ ва Россия тажрибаси);

қишлоқ хўжалигига яроқсиз ёки чўл ерлардан самарали фойдаланиш учун давлат томонидан энергия тежамкор иссиқхоналар қуриш ва уни фермер, деҳқон

ва томорқа ер эгаларига ёки бошқа тадбиркорларга ижарага бериш амалиётини мақсадли дастур асосида тадбиқ этиш (Хитой тажрибаси);

лимончиликда кооперация муносабатларини кенг жорий этиш, лимон етиштириш ва сотиш кооперативларига ҳудуддаги барча лимончилик хўжаликларини жалб қилиш (ЕИ давлатлари ва Япония тажрибаси);

лимон етиштиришда етарли билим ва кўникмага эга бўлмаган деҳқон, фермер ва томорқа ер эгаларига мунтазам маслаҳатлар бериб бориш, юқори ҳосилдор ва касалликларга чидамли лимон кўчатлари ва бошқа зарур моддий ресурслар билан таъминлаш (Аргентина ва Германия тажрибаси) каби йўналишларидаги ижобий тажрибаларни Ўзбекистон лимончилигига жорий этиш мақсада мувофиқ.

Диссертациянинг “**Лимончиликни ривожлантириш ва тармоқ самарадорлигининг ҳозирги ҳолати**” деб номланган иккинчи бобида лимончилик тармоғини ривожлантириш бўйича таркибий ислоҳотлар натижалари, тармоқда интенсив технологиядан фойдаланиш, шунингдек маҳсулот етиштириш самарадорлигининг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва мавжуд тенденциялар ҳамда муаммолар аниқланган.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида интенсив технологияларни кенг жорий этиш, моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, юқори ҳосил берадиган кўчатчилик тизимини яратиш, ноанъанавий мева маҳсулотлари, айниқса, цитрус мевалар, жумладан лимон етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминловчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур таркибий ислоҳотлар натижасида, биргина охириги йилларда лимон экин майдонлари 491,5 гектардан 1655,5 гектарга, яъни 3,3 мартага кўпайган (1-жадвал).

1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида лимон етиштириш динамикаси
(2017-2020 йилларда)⁷**

Йил	Лимон экилган майдон, га	Ҳосилдорлик, т/га	Ялпи ҳосил, тонна	Банд бўлганлар сони (меҳнат ресурслари) дона
2017	491,5	17,2	8461,3	1792
2018	1221	20,4	24855,9	3285
2019	1625,5	17,5	28391	4923
2020	1655,5	19,4	32107	5277
2020 й. 2017 й. га нисбатан, марта	3,3	1,1	3,7	2,9

Бугунги кунда лимон етиштириш улушининг маълум бир қисми фермер хўжаликларига тўғри келса, аксарияти деҳқон хўжаликлари, ёхуд аҳоли

⁷ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

томорқалари ва хусусий тадбиркорлар (ҳозирда замонавий иссиқхоналарда лимон етиштирувчиларнинг асосийси хусусий тадбиркорлардир) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Республикада аҳоли сонининг ўсиб бориши ҳисобига лимон маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб боради. Бироқ, лимончилик тармоғини республика ҳудудларида ривожланиб боришига қарамай, аҳолининг лимонга бўлган истеъмол талабини ҳисоб-китобига кўра, ҳанузгача ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми аҳолининг йиллик меъёрига нисбатан 2 баробаргача камлигини кўрсатмоқда (2-жадвал).

2-жадвал.

Республика ҳудудларида 2020 йилда лимонга бўлган истеъмол талабининг таъминланганлик даражаси⁸

№	Ҳудудлар номи	Аҳоли сони, минг киши	Йиллик физиологик меъёр, тонна (2 кг/киши ҳисобида)*	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, тонна	Фарқи (+/-)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1889,8	3779,6	35	- 3734,1
2	Андижон	3188	6376	2314	- 4062
3	Бухоро	1915,9	3831,8	624	- 3207,8
4	Жиззах	1374,4	2748,8	1527,5	- 1221,3
5	Қашқадарё	3261,2	6522,4	5395	- 1127,4
6	Навоий	992,4	1984,8	614	- 1270,5
7	Наманган	2795,6	5591,2	3965	- 1626,2
8	Самарқанд	3857	7714	3731	- 3983
9	Сурхондарё	2612,3	5224,6	9750	4525,4
10	Сирдарё	841,8	1683,6	1014	- 669,6
11	Тошкент	2929,7	5859,4	877,5	- 4981,9
12	Фарғона	3733	7466	2125	- 5542
13	Хоразм	1856,4	3712,8	135	- 3647,8
14	Тошкент ш.	2554,9	5109,8		- 5109,8
Жами		33802,4	67604,8	32107	- 35658

*Амалдаги норматив ҳужжатларда цитрус меваларга бўлган суткалик талаб 15 грамм (йиллик 5,4 кг) қилиб белгиланган. Ўзбекистонда лимон муҳим турдаги маҳсулот ҳисобланмаганлиги учун алоҳида меъёр ўрнатилмаган. Шу боис, хорижий мамлакатлар (Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари) тажрибасидан келиб чиқиб, ҳисоб-китобларда лимонга бўлган йиллик физиологик меъёр аҳоли жон бошига 2 кг. сифатида қабул қилинди.

Демак, аҳолининг меъерий истеъмоли учун 35658 тоннага, яъни 52,7 фоизга кам лимон етиштирилган. Республика ҳудудларидан фақатгина Сурхондарё вилоятида ижобий тенденция кузатилгани ҳолда меъёр 5224,6 тоннани ташкил қилган ҳолда, 4525,4 тоннага кўп, яъни 9750 тонна маҳсулот етиштирилган.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси маълумотлари асосида тузилган.

Ушбу ҳолат ҳам лимончиликни ривожлантиришнинг табиий иқлим шароитига жуда таъсирчанлигини кўрсатади.

Лимон маҳсулотларига аҳолининг истеъмол талаби ортиб бориши ўларок, лимон экспортига ҳам муҳим аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йилда лимон етиштириш ҳажмининг 17,6 фоизи (3957,1 тоннаси) экспортга йўналтирилган. Бироқ, 2019 йилда “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси ташкил этилишига қарамасдан, бу кўрсаткич, 2019 йилда 22,7 фоиз (5647,7 тоннаси), 2020 йилда 21,9 фоиз (7027,1 тоннаси) экспорт қилинганлиги кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал.

**Республикада 2017-2020 йилларда лимон экспорт ҳажми динамикаси,
тоннада⁹**

№	Худудлар номи	Йиллар			2020 йил 2017 йилга нисбатан, %да
		2017	2019	2020	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16,3	60,9	5,8	36,0
2	Андижон	678,9	642,1	468,3	69,0
3	Бухоро	113,8	95,1	127,3	112
4	Жиззах	142,2	33,3	27,2	20,0
5	Қашқадарё	358,2	299,2	184,9	51,6
6	Навоий	223,4	89,9	238,9	107,0
7	Наманган	451,8	1110,2	1040,8	2,3 м
8	Самарқанд	59,6	137,5	202,5	3,4 м
9	Сурхондарё	218,2	388,2	391,7	180
10	Сирдарё	227,0	41,4	322	142
11	Тошкент	456,9	1032,9	1577	3,45 м
12	Фарғона	712,5	1483,2	2025,8	2,84 м
13	Хоразм	298,3	233,8	414,8	1,4 м
Жами		3957,1	5647,7	7027,1	178

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда 2022 йил 2017 йилга нисбатан лимон экспорт ҳажми 135,2 фоизга ошган. Ушбу йилда жами 5352 тонна лимонни 3550 тоннаси Россия Федерациясига, 1040 тоннаси Қозоғистон Республикасига, 611 тоннаси Қирғизистон ҳамда қолган 151 тоннаси бошқа давлатлар улушига тўғри келади. Умуман олганда, кейинги йилларда лимон экспортига қилишда куйидаги салбий омиллар ўз таъсирини ўтказмоқда:

- маҳсулотларни халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бермаслиги;
- маҳсулотларнинг нархлари нисбатан арзон бўлган кўшни давлатларга экспорт қилиниши;
- экспортга чиқариш учун транспорт харажатларининг юқорилиги;
- маҳсулотлар экспорти учун инфратузилмаларнинг (сақлаш, қадоқлаш) етарли ривожланмаганлиги.

⁹ “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳқиқотлар давомида бугунги кунда лимон етиштириш бўйича фаолият кўрсатаётган турли типдаги иссиқхона майдонларининг салмоғи таҳлил этилди. Жумладан, лимон етиштириш билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларига тегишли жами 1655,5 гектар иссиқхона майдонларининг 82,8 фоизи енгил конструкцияли, яъни оддий усулдаги плёнкали, 7,6 фоизи ойнаванд, 9,6 фоизи Хитой (хандақ усули) технологиялари асосида фаолият кўрсатмоқда (4-жадвал).

4-жадвал.

Республикада лимон етиштирувчи турли типдаги иссиқхоналар майдони ва салмоғи (2020 йил ҳолатига)¹⁰

Кўрсаткичлар	Жами иссиқхоналар	Иссиқхона турлари		
		Плёнкали (оддий усулда)	Ойнаванд	Хитой технологияси (хандақ усули)
Иссиқхоналар майдони, га	1655,5	1371,1	125,1	159,3
Жамига нисбатан салмоғи, %	100,0	82,8	7,6	9,6
Ҳосилдорлик, ц/га	321070	950	950	475

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, лимон етиштираётган иссиқхоналарнинг асосий улуши плёнкали оддий усулдаги иссиқхоналарга тўғри келмоқда. Маълумки, янги ташкил этилган лимонзорлар 2-йилдан бошлаб ҳосил нишонасини ва 5-йилга борганда юқори ҳосил бера бошлайди. Шу сабабли, лимончиликни ташкил қилиш, бунинг учун зарурий кўчат материаллари, иссиқхона қуриш учун зарурий материаллар сотиб олишга сарфланган маблағни ёки олинган кредитни лимон кўчати ҳосилга киргандан кейингина қайтариш имконияти пайдо бўлади.

Шу боисдан, лимон етиштириш бўйича иссиқхоналардан фойдаланишда лимон қатор ораларига сабзаёт экинларини экиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш юқори даражада рентабелликка эришишини таъминлайди. Ушбу усулда маҳсулот етиштиришни ташкил этган хўжаликлар маҳсулот сотишдан барқарор даромад олиш ҳамда иссиқхоналардан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу, бир томондан, лимон ва саримсоқпиёзга бўлган аҳоли талабини юқорилиги билан, иккинчи тарафдан, ушбу маҳсулотлар экспортбоплиги билан изоҳланади.

Шундан қилиб, лимон етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили ушбу тармоқнинг юқори даромадли эканлигини ҳамда кенгайтириган такрор ишлаб чиқариш жараёнини фаол олиб бориш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, лимон етиштиришда турли усулдаги иссиқхоналарни ташкил этиш харажатлари турли қийматларга эга. Хусусан, Андижон вилоятида Хитой технологияси (хандақ) усулида харажатларнинг кам бўлиши ҳисобига барча харажатларни қоплагандан сўнг рентабеллик даражаси 65,8 фоизни ташкил

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

этган. Оддий энгил конструкцияли икки қават плёнкали (термос) усулида рентабеллик даражаси 19,3 фоиз, замонавий типдаги ойнали иссиқхонадан олинган натижалар сарфланган жами харажатларнинг 16 фоизини қоплашга эришилган (5-жадвал).


5-жадвал.

Андижон вилоятида 1 сотих майдонда хандақ ва оддий энгил конструкцияли икки қават плёнкали технологиядаги лимон етиштириш самарадорлиги¹¹

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Хандақ	Оддий энгил конструкцияли икки қават плёнкали (термос)	Ойнаванд иссиқхона
1	Экин майдони	сотих	1	1	1
2	Лимон дарахтлар сони	дона	10	10	10
3	Ялпи ҳосил	кг	475	950	950
4	Ялпи даромад	минг сўм	9500	19000	19000
5	Жами харажатлар	минг сўм	5730	15913	118680
5.1	Иссиқхона қуриш харажатлари	минг сўм	4760	10893	114460
5.2	Полиэтилен плёнка (0,08 мм)	минг сўм	250	1000	-
5.3	Кўчат сарфи	минг сўм	300	300	300
5.4	Ўғит сарфи	минг сўм	170	170	170
5.5	Кимёвий кураш харажатлари	минг сўм	50	50	50
5.6	Агротехник тадбирлар		200	200	200
5.7	Иситиш харажатлари		-	3500	3500
6	Фойда	минг сўм	3770	3087	-99680
7	Бир туп лимондан олинадиган ҳосил	кг	47,5	95	95
8	1 кг лимоннинг бозор баҳоси	минг сўм	20	20	20
9	1 кг лимоннинг таннархи	минг сўм	1,41	5,17	4,12
10	1 туп лимондан олинган фойда	минг сўм	377	308	-
11	Рентабеллик даражаси	%	65,8	19,3	-

Лимон маҳсулоти йил мавсумларида бозор баҳолари ўзгарувчан хусусиятга эгадир. 1 кг лимоннинг бозордаги энг юқори нархи 34 675 сўм бўлиб, бу кўрсаткич йилнинг август ойига тўғри келмоқда. Лимоннинг арзон даври эса декабрь ойи ҳисобланиб, бу даврда 1 кг лимон 13 316 сўмни ташкил этган, яъни куз мавсумида лимонлар пишиб бозорларда маҳсулот кўпайган даврга тўғри келмоқда. Шундан хулоса қилиш мумкинки лимонни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳсулотларни сақлаш харажатларини камайтириш лимон етиштирувчи хўжаликларнинг даромадларини ошириш имкониятларини яратади (2-расм).

¹¹ Монографик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ҳисоб китоб қилинган.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида лимон маҳсулотини бозор нархларининг йил ойлари кесимида ўзгариш динамикаси¹²

Тармоқдаги асосий муаммоларни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида Андижон вилоятининг Андижон туманидаги лимончилик билан шуғулланувчи хўжаликларда сўровнома ўтказилди. Респондентлар асосан тармоқни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қуйидаги: яъни, молиявий малағларнинг етарли эмаслиги, касалликларга қарши курашда кимёвий воситаларнинг қимматлиги, замонавий иссиқхоналарда эса асосан электр энергияси, газ ресурсларнинг тақчиллиги каби муаммоларга алоҳида урғу беришган. Шунингдек, “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси” фаолияти тўғрисида сўралганда уларнинг аксарияти бундай уюшма борлигидан ҳамда ундаги ваколатлардан беҳабар эканлигини айтишди (3-расм).

Айниқса, респондентларнинг, яъни жами ўрганилган 40 та фермер (20 та) ва деҳқон (томорқа) (20 та) хўжаликларидан лимон етиштириш жараёнларини суғурта қилдирганлари ичида 1 та фермер хўжалиги бўлиб, у ҳам бўлса, фақатгина иссиқхонада етиштирилган лимон ҳосилини суғурта қилдирганлигини айтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, лимончилик тармоғидаги ишлаб чиқарувчилар, қайта ишловчилар, тайёрловчиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарурияти қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- лимончилик йўналишидаги хўжаликларнинг молиявий ҳолати етарли миқдорда айланма ва асосий воситалар сотиб олишга имкон бермаслиги;
 - лимон етиштиришда асосан маҳаллий аҳолининг ҳиссасига тўғри келади.
- Бу эса, ўз навбатида, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларда ҳам

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

босқичма-босқич замонавий иссиқхоналарни барпо этиш заруратини келтириб чиқаради;



3-расм. Лимончиликка ихтисослашган хўжаликларда учрайдиган асосий муаммолар тизими (жами сўровномага нисбатан фоизда)¹³

– лимончилик иссиқхоналарида иссиқлик манбаларида муаммолар мавжудлиги. Деҳқонларга иситиш тизимини қимматга тушиши ҳисобига лимон таннархини ошиб кетишига ва янги лимонзорларни барпо этилишида салбий таъсир кўрсатмоқда;

– лимонни қайта ишловчи ва тайёрловчи корхоналарнинг ҳудудий ихтисослашувга кўра, етарлича шакллантирилмаганлиги, республика бўйича лимон маҳсулотини қайта ишловчи корхона ва мини цехларнинг мавжуд эмаслиги;

– лимонни ташиш учун мавжуд махсус транспорт инфратузилмаларини тубдан янгилаш зарурлиги ва бошқалар.

Диссертациянинг “**Лимончилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари**” деб номланган учинчи бобида лимончиликда ўзаро интеграция ва кооперация муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташкилий бошқарув тизими, давлат томонидан рағбатлантириш механизми сифатида суғурталаш тизими, тармоқни инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда республика-мизда лимон етиштиришга ажратилган молиявий маблағларнинг кўпайтириш эвазига 2026 йилга бандлик даражаси, экспорт ҳажмини ошириш истиқболлари асослаб берилган.

¹³ Анкета сўровномалари натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мамлакатимизда лимончилик соҳасини барқарор ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3586-сонли қарори билан “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасини ташкил этилган ҳамда унинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган. Аммо, монографик тадқиқотлар ушбу уюшма фаолиятини қониқарсиз эканлигини кўрсатди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг ташкилий фаолиятини кенгайтириш мақсадида уюшма тузилмасига мазкур тармоқ йўналишида фаолият юритадиган қўшимча корхона ва ташкилотларни бириктириши ҳамда уюшмани ҳудудларда бўлимларини ташкил этиш таклифи асослаб берилган (4-расм).




4-расм. “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг тавсиявий ташкилий тузилмаси¹⁴

Мазкур уюшма ташкил этилганида уни молиялаштириш манбаалари уюшма таркибига кирувчи лимон етиштирувчи ташкилотларнинг ажратмалари, аъзолик

